Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 октябрь, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 211 (1463)

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

САВОЛ. Ислом Абдуғаниевич! Кейинги пайтда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётдаги демократик бозор янгиланишлари бузиб кўрсатилаётгани, нохолис ёндашилаётганига муносабатингизни билмоқчи эдик...

ЖАВОБ. Бу саволга жавоб бериш учун СССР барбод бўлганидан кейин бу ҳудудда юзага келган икки асосий муаммога тўхталиш лозим.

Биринчидан, эски тузум соғинчи азоб бераётган ҳамда собиқ иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш истаги билан яшаётган Москвадаги айрим сиёсатчилар ва уларга хизмат қилаётган матбуотга бугунги кунда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Ўзбекистоннинг мустақил йўли тинчлик бермаяпти.

Улар ўтмиш қолипидан, салтанат даъвосидан, бугунги кунда ҳам ўзларининг собиқ шўролар ҳудудидаги мустақил давлатлар билан муносабатини оға ва ини ақидасига мослаб қуриш, эски, уларнинг тушунчаси бўйича яхши даврлардаги сингари, ҳамма нарсани марказдан туриб ҳал қилиш истагидан қутула олишмаяпти.

Айнан мана шу кайфият айрим «мустақил» деб аталмиш газеталарда бирёқлама мақолалар чиқишига сабаб бўлаётир.

Эртами-кечми, барибир бу касалдан фориғ бўлишга тўғри келади. Бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Бундан ҳамма манфаат кўради.

Биз эса, катта-кичик давлатлар, катта-кичик халқлар бўлмайди, балки халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бор ҳамда улар бирбирини ҳурмат қилиши керак, деган ақидадан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар ва халқлар билан муносабатимизни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосга қуришни истаймиз.

Биз барча узоқ ва яқин қўшниларимиз, биринчи навбатда демократик кайфиятдаги Россия билан, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган рус халқи билан яхши муносабатда бўлишга интиламиз.

Бизнинг сиёсатимиз энг аввало ана шу ақидалар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига асосланган ҳолда шаклланиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўролар ҳудудидаги кўпгина давлатлар бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушгани, айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Энг аввало оддий кишиларнинг оғир аҳволга тушиб қолгани, ислоҳотларнинг дастлабки пайтида ўжарлик билан ўтказилган «фалаж қилиб даволаш» деб ном олган жараённинг натижаси бўлиб, бундай оқибат одамларда норозилик туғдирмоқда. Ваъдалар ваъдалигича қолиб, барқарорлик ўрнатилиши ва оғир вазиятдан чиқиб олишнинг янги-янги муддатлари охири кўринмаяпти.

Бундай аҳволни оқлашнинг кенг тарқалган изоҳи — бугунги аҳвол бозор иқтисодиётига ўтиш, эски ижтимоий муносабатларнинг парчаланиши жараёнининг муқаррар натижаси, деган гап бўлиб қолди. Собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатлар бошидан кечираётган муқаррар фалокат, гўё СССР барбод бўлганидан кейин иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг узилгани оқибати эмиш.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларни, халқ тафаккур тарзини чуқур билиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидан ишонч билан, дадил бораётгани, бу йўлнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлиги умумий манзарага «қовушмай» турибди.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида чекинмасдан, аксинча, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олган сиёсат, кишиларни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, бозор ислоҳотларига хос, ҳақиқатан ҳам муқаррар бўлган қийинчилик ва камчиликларни иложи борича камайтириш, юмшатиш учун имконият даражасидаги ҳамма ишни қилишга қаратилган Ўзбекистон давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятнинг, ўзгалардан фарқли ўлароқ, мўътадил бўлиб турганига сабабчидир.

Собиқ шўролар ҳудудидаги давлатлар тараққиётининг кейинги беш йилдаги натижаларини олиб кўринг. Уларнинг аксарияти бугун барқарорликнинг эндигина белгиланаётган ёки кўзга ташланаётган куртаклари ҳақида жуда кўп гапирмоқда.

Лекин бу солиштириш ва қиёслаш қайси даврга нисбатан қилинмоқда? Маълум бўлишича, ўтган 1995 йилга нисбатан экан. Агарда оддий мантиқ тақозосига кўра, куртаклар деб айтилаётган ўша кўрсаткичларни ислоҳот бошланган 1990 йил билан қиёслаб кўрсак-чи, у ҳолда нимани кўрамиз? Амалда иқтисодиётнинг барча соҳасида 50-70 фоиз ўпирилишни кўрамиз. Ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ҳамда шунга биноан аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари бугунги кунда 60-70-йиллар даражасига тушиб қолгани маълум бўлади. Мана сизга ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати.

Айримларга ўхшаб, Ўзбекистоннинг мустақиллик ва суверенитет йилларида эришган ютуқлари ҳақида жар солишни истамас эдим. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда бундай ўпирилишларга йўл қўймадик.

МДҲнинг халқаро статистик қўмитаси эълон қилган объектив статистик кўрсаткичлар ҳам кўп нарсани айтиб турибди. Умумий ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти 1996 йилда 1990 йилдагига нисбатан камайгани йўқ. Аксинча, жуда кўп соҳаларда барқарор ўсиш таъминланмоқда.

Биз шу йиллар мобайнида иқтисодиётни мунтазам ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини, пойдеворини яратдик. Сармоя сарфлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ички сармоя ва хорижий сармоя ҳисобидан янги иншоотлар ва корхоналар қурилмоқда, янги илғор тармоқлар барпо этилмоқда. Таркибий қайта қуриш давом этмоқда. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, миллий валюта мустаҳкамланмоқда.

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шаклланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти — Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуқлари уларнинг ғашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо бериши мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқаришга, миллий қадриятларни таҳқирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэътироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқларининг бирлиги кифоя қилмайди, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган мақаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу уйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

САВОЛ. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган мишмишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаётган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишган ҳолда бўлиши, ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта заҳирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз заҳиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 октябрь куни «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.



Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, бунда мамлакатимизнинг ишончли ҳамкори — «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Ўзбекистон «ДЭУ» билан мавжуд ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш тарафдорлигини қайд этди.

«ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг иқтидорли ўзбек халқининг келажаги буюклигига юксак ишончни таъкидлаб, қисқа вақтда Ўзбекистонда автомобилсозликда эришилган муваффақият бунинг ёрқин далилларидан бири эканини айтди.

Суҳбат чоғида «ЎзДЭУавто» заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш, автомобилларнинг бутловчи материалларини Ўзбекистонда тайёрлаш, жаҳон бозорида рақобатбардошли янги двигателлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, пахта савдоси, телекоммуникация соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси раиси Қудрат Парпиев иштирок этди.

Қабул маросимида «ДЭУ» компанияси президенти, «ЎзДЭУавто» компанияси раиси Кван Ки Ли қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 октябрь куни Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожидан мамнуният билдириб, минтақада ўзининг алоҳида мавқеига эга Эрон Ислом Республикаси раҳбарияти билан тез-тез ўзаро фикр алмашиб туриш қатта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳсин Покойин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайтларидан лавҳалар.
С. ЗУФАРОВ ва А. ТЎРАЕВ тасвирга олган.

КОМПЛЕКС ЙИҒИЛИШИ

16 октябрь куни Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари қатнашди. Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов бошқарди.

Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуининг жорий йил 9 ойи иш якунлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбеккино» Давлат ҳиссадорлик компанияси, Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзфармсаноат» Давлат ҳиссадорлик концерни ва бошқа вазирликлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар мазкур соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Айни вақтда улар фаолиятида талайгина камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Жумладан, ҳамма жойда ҳам ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш талаб даражасида деб бўлмайди. Шунингдек, полиграфия соҳасида кадрлар етишмаслиги сезиляпти. Бу каби камчиликларга тезда барҳам бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгашда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг мажлиси бўлди. Унда «Истиқбол, қадрият ва аёл» танловининг якунлари чиқарилди. Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида йил бошида эълон қилинган бу танловнинг мақсади — ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашда, тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг мавқеини қучайтиришдан иборат.

Танлов Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги ва буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган эди.

Ҳакамлар қарори билан биринчи ўрин Хоразм ва Самарқанд вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарига берилди. Иккинчи ўринни Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари эгаллади. Учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти хотин-қизлар қўмиталарига берилди.

Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарининг муваффақиятли ишлаётгани қайд этилди.

(ЎзА)

Бозор ислоҳотлари йўлида

ОММАВИЙ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

16 октябрь куни Тошкентдаги республика Биржа марказида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомларга ва давлат дастурига мувофиқ хусусийлаштириш сармоя жамғармаларини ташкил этиш масалалари юзасидан журналистлар билан учрашув бўлди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Қимматли қоғозлар бозорқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори А. Абдуқодиров Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламларини бозор янгиланишларига жалб этиш ҳамда уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш муаммоларини ҳал қилиш йўллари пухта ўйланганини таъкидлади. Бунинг учун бозор ислоҳотларини амалга ошираётган, корхоналарни давлат тасаррўфидан чиқариб, хусусийлаштираётган давлатлар иқтисодий сиёсатининг ижобий ва салбий томонлари чуқур ўрганилди.

Халқаро ташкилотлар экспертларининг фикрига қараганда, Ўзбекистон таклиф этган модель барча кўрсаткичлари бўйича мақбул бўлиб, мамлакат фуқароларини камситишни истисно этиши маълум қилинди, журналистлар хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиш учун хусусийлаштириш сармоя жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида батафсил ахборот олдилар.

Олий Мажлис қўмиталарида

ДАСТУРНИНГ МОҲИЯТИ ФУҚАРОЛАР МАНФААТИГА ҚАРАТИЛГАН

Маълумки, Олий Мажлис Кенгашининг сўнгги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996-99 йилларга мўлжалланган фаолият дастури тасдиқланган эди. Айни пайтда ана шу йиғилишнинг натижаси ўлароқ Олий Мажлис таркибидаги барча қўмиталар 1996-99 йилларга мўлжалланган ўз фаолият дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлади. Мухбиримиз Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Йўлдош ҚОРАЕВдан мазкур қўмита томонидан тайёрланган дастурни шарҳлаб беришини илтимос қилди.

— Қўмитамизнинг иш фаолияти Олий Мажлисининг 1996-99 йилларга мўлжалланган фаолият дастури асосида олиб борилмоқда. Унинг мазкур йилларидаги фаолияти ижтимоий адолат тамойилларининг рўёбга чиқарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли энг заиф қатламлари ҳуқуқларини кафолатлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали чора-тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

Шу боис айни пайтда ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш устида иш олиб бораяпмиз.

Шунингдек, айни пайтда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда «Давлат хизмати» тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Ушбу қонун лойиҳаси 1997 йилнинг биринчи ярмида депутатлар муҳокамасига қўйилиши мўлжалланмоқда. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси тайёрлаётган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва зарарсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишчи гуруҳида ҳам бизнинг қўмита аъзолари иштирок этмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда маҳаллий фармацевтика, биотехнология саноатини ривожлантириш, аҳолини дори-дармон билан таъминлашни тубдан яхшилаш, дори-дармондан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки касалланиш структураси ва даражасининг ўзгариши аҳолини дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини кескин ошишига олиб келди. Маълумки, республикамизга дори-дармонларнинг кўп қисми МДҲ давлатлари ҳамда хориждан келтирилмоқда. Шифохоналаримиз, айниқса, инфузион эритмалар, вакцина, қон ва зардоб препаратлари, қон қуйишда бир марта ишлатиладиган системалар ва қон ўрнини босадиган препаратларга катта эҳтиёж сезиляпти. Шу сабабли қўмитамиз ўз фаолиятида бу масалага катта эътибор қаратиб, 1997 йилнинг 1 чорагида «Дори-дармон воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис сессияси муҳокамасига тақдим этишни режалаштираяпти.

Амалдаги қонунларни ижрочиларга тўлиқ етказиш, бажарилишини назорат қилиш, тушунтириш, қўшимча ва ўзгартишлар билан боғлиқ масалалар ҳам қўмитамиз фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

Шу йил ноябрь ойида қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисидаги» Қонунининг ижросини муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Олий Мажлис депутатлари, қўмитамиз аъзоларидан иборат гуруҳ яқинда ушбу Қонуннинг Андижон, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ижросини мукаммал ўрганиб чиқди. Натижада жойларда қонун ижроси билан боғлиқ мавжуд камчиликларни тугатиш борасида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Қонунга баъзи бир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, назорат-таҳлил дастуримиздан 1997-1999 йилларда ижтимоий таъминот вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, бир қатор ташкилот, корхона, муассасаларда «Меҳнат Кодекси»нинг хотинқизлар, ногиронлар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилишга доир қисми ижросини, бир қатор вазирликлар ва вилоятларда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунлар ижросини муҳокама қилишни режалаштирганмиз.

«Халқ сўзи»нинг парламентдаги мухбири Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.

Ҳамкорлик робиталари

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

16 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида илғор технология бўйича Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимларининг икки кунлик семинари бошланди.

Бу тадбир республика Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими ҳамда Ҳиндистон ҳукумати фан ва техника бўлими ўртасида мутасил равишда ҳамкорликда илмий-техник тадбирлар ўтказиб туриш тўғрисида тузилган аҳдлашув доирасида уюштирилди.

Семинардан кўзланган мақсад — Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг фан ва техника соҳасида ҳамкорлиги ва бу ҳамкорлик натижаларидан иккала мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш йўллари, ядро физикаси, қуёш нурларини ўрганиш, кимё ва яна бир қанча илмий йўналишларда олиб борилаётган тадқиқотлар каби муҳим муаммоларни муҳокама қилишдан иборат.

(ЎзА).

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва ғаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. **Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган.** Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шерикилар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

САВОЛ. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ. Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда, Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг бирodаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Ўша вақтда айтилганидек, «ўз байналмилал бурчини бажариш», «халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун» совет қўшинлари чекланган қисмининг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган ғамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобуд бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва беадоқ ғам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж оляпти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар — улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ «жиҳод» ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ҳокимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдосотиқ қилишнинг хавфли манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида бирodаркушлик урушининг тўхтатилишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усулларини нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмоқда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В. Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи экани ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

Биринчидан, ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйготади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали қайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг кучва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир нарса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий, тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокараларгина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларининг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

Internet
ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

БМТ БОШ КОТИБИ ЛАВОЗИМИНИ КИМ ЭГАЛЛАЙДИ?

Хориж матбуоти саҳифаларида

Ушбу савол бугунги кунда кўплаб оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Айни пайтдаги Бош котибнинг ваколатлари декабрь ойининг охирида тугайди. Шу боис БМТ Бош Ассамблеяси 51-сессияси раиси малайзиялик дипломат Разали Исмоил халқаро ҳамжамиятга Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош котиблиги лавозимига номзодлар тавсия қилиш кераклиги ҳақида мурожаат қилгандан сўнг, ушбу масала атрофидаги баҳслар янада қизғин тус олди. У бўлғуси номзод ҳудудий-сиёсий ёки жамоат ташкилоти вакили бўлиши керак деди. Мазкур мурожаатта АҚШнинг БМТ қошидаги вакили Мадлен Олбрайт тезда муносабат билдирди. У Нью-Йоркда журналистлар билан учрашиб, шу йилнинг ёзида АҚШ давлат котиби У. Кристофернинг БМТнинг ҳозирги Бош котиби АҚШни қаноатлантирмайди, деган баёнотини тасдиқлади. 1991 йилда миллатлар ҳамжамияти секретариати бошлиги лавозимига бир овоздан сайланган 73 ёшли мисрлик дипломат қай жиҳатдан АҚШни қаноатлантирмаяпти, деган саволга шарҳловчилар аниқ жавоб бера олмаяптилар. Ҳозирги Бош котиб аксарият ҳолларда БМТ ишини қайта қурмаганликда ва секретариат штатларини, шунингдек, ўзини оқламаган сарф-харажатларни кўпайтириб юборганликда айбланмоқда. Норасмий жиҳатдан эса БМТнинг Югославия ва Африкадаги, айниқса, бир неча ўнлаб америкалик аскарлар ҳалок бўлган, Сомалидаги тинчлик ўрнатиш операциялари барбод бўлганликда айблашмоқда.

Журналистлар билан ўтган мазкур учрашувда М. Олбрайт АҚШ XXI аср бўсағасида БМТ Бош котиби лавозимида сиёсатчи ёки дипломатни эмас, энг аввало йирик маъмурни кўришни истаётганини билдирди.

БМТда Бош котибни сайлаш жараёни ноябрь ойида, яъни АҚШда Президентлик сайловлари ўтиб бўлгандан кейин анча олди, деб ҳисоблашмоқда. Баъзи бир кузатувчиларнинг фикрича Клинтоннинг демократик маъмурияти конгрессда кўпчиликни ташкил қилувчи республикачиларнинг сиқуви остида Бутрос Ғолий номзодига қарши чиқмоқда.

Сайловларда ғалаба қозонишганидан кейин унинг номзодига нисбатан бироз ён беришлари мумкин. Ҳақиқатдан ҳам яқин вақтларгача Қўшма Штатлар БМТни қўллаб-қувватлашаётган эди. Хавфсизлик Кенгашининг Ироққа нисбатан резолюцияси ҳозиргача ўз кучида турибди. БМТнинг Босния ва Сомалидаги муваффақиятсизликларидан норозилик сўнгги пайтларгача очиқ айтилмаган эди. Президентлик учун сайлов олди мусобақасида республикачилар биринчи бўлиб БМТнинг муваффақиятсизликлари ҳақида гапириб, номзод Боб Доул эса ўзининг ҳар бир чиқишида Бутрос Ғолийни кескин танқид қилмоқда. Республикачилардан ушбу «мавзуни» ўзларинки қилиб олиш учун демократлар ҳам ўз навбатида оммавий-ахборот воситалари орқали БМТ Бош котибига қарши кампанияни бошладилар.

Бошқа давлатларнинг шу масала юзасидан тутган позициясига келсак, БМТ Бош Ассамблеясининг иши пайтида ташқи ишлар вазирлари даражасида қатнашган кўпгина мамлакатлар делегациялари умумсиёсий фикр алмашувлар чоғида БМТ Бош котиби сайлови масаласини четлаб ўтиб, бу нарса декабрь охирида бўлиб ўтадиган сайловга боғлиқ эканлигига эътибор қаратишди.

Бироқ, ҳозиргача АҚШ ёки бошқа мамлакатлар мабодо Бутрос Ғолий сайланмаса БМТ Бош котиблигида кимни кўришни истаётганликларини айтишгани йўқ. Фақат Вашингтон яхши маъмуриятчи ва ҳамжамиятни ислоҳ қиладиган ҳар қандай дипломат номзодига қарши эмасликларини билдирдилар. Баъзи бир кузатувчилар бўлғуси номзоднинг ичида Африка давлатлари ташкилоти раҳбари танзаниялик Салим Салим, Ислом конференцияси ташкилоти раҳбари нигериялик Ҳамид Алгабид, БМТ Бош котибининг тинчликни ўрнатиш операциялари бўйича ўринбосари Кофи Анан борлигини таъкидлашмоқда. Бош котиблик лавозими учун Ислом конференцияси ташкилоти раҳбари Ҳамид Алгабид ва Филиппин Президентининг синглиси сенатор Летисия Рамос Шахани (у 80-йилларда 6 йил давомида БМТ Бош котибининг ёрдамчиси бўлган) курашишларини билдиришди. Летисия Рамос Шахани номзодини Нью-Йоркда жойлашган «Ҳозирдаёқ тенглик» хотин-қизлар ташкилоти кўрсатган. Халқаро ҳамжамият бошлиқлиги вазифасига номзоди қўйилиши мумкин бўлган талабгорлар ичида Норвегия Бош вазири Гру Харлем Брунтланд, Жанубий Африка парламенти бошлиғи Френе Гинуал, БМТнинг қочоқлар иши бўйича бош комиссари япониялик Садако Огата, Ирландия Президенти Мэри Робинсон ҳам бўлиши мумкинлигини кузатувчилар эътироф этишмоқда. Аммо уларнинг сайловда ғалаба қозониш имкониятлари жуда ҳам паст.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ОИД

КОБУЛ (Си-Эн-Эн) Сентябрь охирида Кобулни босиб олган толиблар айни пайтда Афғонистон пойтахтига 20 километр масофада турган ҳукумат қўшинларидан ҳимоя қилишга тайёргарлик кўришмоқда. Кўплаб магазинлар ва савдо дўконлари ёпилган. Кузатувчилар кейинги кунларда толиблар тинч аҳолига нисбатан янада кўпроқ агрессив ҳаракатлар қилишаётганлигини таъкидлашмоқда.

КОБУЛ (Франс Пресс) бу ерга Покистоннинг Ички ишлар вазири Н. Барбар бошчилигидаги делегацияси келган. У «Толибон» раҳбарлари билан музокаралар олиб боради.

Суратда: Кобул бўсағасида. Ассошиэйтэд Пресс фотоси.

ПОДШОНИНГ ФАЛАСТИНГА САФАРИ

Иордания подшоси Ҳусайн Иордан дарёсининг ғарбий соҳили Фаластин бошқарувига ўтгандан сўнг илк бор Иерехон шаҳрига ташриф буюрди. У Исроилнинг Иордания ва бошқа араб мамлакатлари билан яхши муносабати Фаластиндаги қарама-қаршилик ва тушунмовчиликларга барҳам беради, деб айтди. Оммавий ахборот воситалари подшонинг ушбу сафарни «тарихий сафар» деб баҳолашди.

БОШ ВАЗИРНИНГ ТАКЛИФИ

Литва Бош вазири Миндаугас Станкевичус Латвия парламенти денгиздан нефть қазиб олиш бўйича Американинг «Амоко» ва Швециянинг ОПАБ компаниялари тузган шартномани ратификация қилмайди, деб умид билдирди. Бунинг ўрнига у Литва билан ва икки компания билан уч томонлама шартнома тузишни таклиф қилди. Бу ҳақда Литва радиоси хабар берди.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

Россия ва Белоруссия парламенти депутатларининг Москвада давра суҳбати бўлиб ўтди. Депутатлар икки мамлакат интеграцияси масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Учрашувда иккала парламентнинг барча сиёсий партиялар ва фракциялар вакиллари иштирок этишди.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

АРМИЯДА БЎЛМАГАН ЙИГИТ, ЙИГИТМИ

Тошкент вилоятининг ҳарбий хизматга жўнатиш қароргоҳида бўлиб ўтган кузги биринчи чақирувга бағишланган тантанали йиғилишдан репортаж

Ушбу қароргоҳда байрамона кайфият ҳукмрон. Ўзбек миллий карнай-сурнайларининг ноғора жўрлигидаги овозига ҳарбий оркестрнинг кишида ифтихор тўйғуларини тўлқинлантирувчи садолари уланиб турибди. Бугун бу ер кузги чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари, ёр-биродарлари билан гавжум. Кузатувга келган ота-оналарнинг юз-кўзларидан Ватан ҳимоясига муносиб фарзанд ўстирганлигидан фахрланиш, ғурурланиш ҳисларини сезиш қийин эмас. Бундай пайтда ҳаммада ҳам бўладиган ички изтиробларини сездирмайдиган нақадар қалби дарё оналаримиз, вужуди чўғ оталаримиз, дилбар опа-сингилларимиз бор халқ эканлигимиздан ифтихорга тўласан киши.

Қалбларни тўлқинлантириб турган ҳарбий оркестр садолари бир зумга тўхтади. Кузги чақирувнинг биринчи кунига бағишланган йиғилишга ҳарбий хизматчилар, чақирилувчилар сафланганлиги ҳақида вилоят ҳарбий хизматга жўнатиш қароргоҳининг бошлиғи, подполковник М. Кидричев, вилоят ҳарбий мудофаа бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Р. Тошхўжаевга рапорт берди. Сўнгра у тантанали йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Республикамиз мадҳияси янгради.

— Сизларга мустақил Ватанимизнинг сарҳадларини ҳимоя қилишдек масъулиятли аммо шарафли вазифа юкланмоқда. Зеро, Президентимиз айтганидек, «Ватан — бу ҳавойи тушунча эмас, Ватан — бу аввало ота-она, туғилган ер, севимли ёр, дўст-биродар деганидир. Ана шу қутлуғ тушунчалар бирлашиб, Ватан туйғусини ҳосил қилади», — деди ўз нутқида Р. Тошхўжаев. — Сизларнинг бу шарафли вазифани адо этишингизда тажрибали зобитлар ҳамиша кўмак беради. Замонавий ҳарбий техникаларни эгаллашингиз, жанговар тайёргарлигингизни мустаҳкамлаш учун ҳар биринингиздан қунт ва чидам, билим ва масъулият талаб қилинади. Ўйлайманки, бу вазифанинг уддасидан чиқа оласиз. Чунки сизлар улуғ саркарда, бобомиз Амир Темур авлодига мансуб йигитларсиз. Мустақил Ватанимиз ҳарбий мудофааси сафларига сиздек, норғул йигитларни вояга етказиб берганликлари учун ҳурматли ота-оналаримизга чуқур миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Шундан сўнг, тантанали йиғилишга таклиф этилган ҳарбий фахрийлар, кузатувга келишган ота-оналар, чақирилувчиларнинг вакиллари сўзга чиқишиб, йигитларимизга ҳарбий хизмат бурчларини шараф билан бажаришларига муваффақият тилаштди.

Йиғилиш сўнгида ҳарбий оркестр садолари остида чақирилувчилар минбар олдидан саф тортиб ўтишди.

Биз ҳарбий хизматга чақирилганлар ҳамда ота-оналарнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

Баҳригул Турдиқулова, кузатувчи она:

— Фарзандимни ишончли қўлларга топшираётганимга имоним комил. Қолаверса, аскарларга юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ҳам кўнгилларга таскин беради. У киши яқинда Сурхондарё вилоятида бўлганларида хизматни ўтаётган аскарлардан хол-аҳвол сўраганлиги фикримнинг далилидир. Бугун хизматга отланаётган биринчи ўғлим эмас. Бундан олдинги ўғилларим ҳам йигитлик бурчларини ўтаб қайтишган. Ҳозир улар уйлижойли, бола-чақали бўлиб кетишди. Илоҳим унга ҳам акаларининг йўлини берсин. Обрў билан, соғ-саломат хизматини ўтаб қайтсин. Армия хизматини ўтамаган йигит, йигитми?!

Шавкат Қосимов, чақирилувчи:

— Хизматни ўташ учун жўнаётганимдан бахтиёрман. Тенгдошларимга ҳам ана шундай истакларининг рўёбга чиқишига тилаклдошман. Шу ерга йиғилган чақирилувчилар номидан шуни айтмоқчиманки, бизга билдирилаётган ишонч учун миннатдормиз ва бу ишончни оқлаймиз. Ватанни ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этишга бор куч ва имкониятимизни сарфлаймиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин, юртдошлар! Ватан сарҳадларини ор-номусимиздек муҳофаза этамиз. Орамизда баъзан учраб турадиган хизматдан бўйин товловчи тенгдошларимни иймонли, диёнатли бўлишга даъват этаман. Бу бизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиз эмасми! Биз унга содиқ бўлайлик!

Ю. БЕКМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Турмушнинг барча жабҳаларида қонун устиворлиги таъминланаётган ва шу йўл билан демократик жамият пойдевори мустаҳкамланаётган, Ватанимизда матбуот ходимларининг вазифа ва бурчлари ҳар қачонгидан ортиб бормоқда.

Хусусан, журналистлар мустақиллик шароитида қонунчилик соҳасидаги ўзгариш, янгиланиш ва такомиллашиш жараёнларига доир билимларини изчил ошириб боришлари кундалик касбий зарурият-га айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президент девони Ахборот маркази қошидаги шарҳловчи журналистларнинг навбатдаги машғулоти айни шу мавзуга бағишланди.

Машғулотга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С. Мирсафоевнинг жамиятни демократиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва муҳим вазифалар хусусидаги қизиқарли суҳбати ва бўлиб ўтган савол-жавоблар оммавий ахборот воситалари ходимларида катта таассурот қолдирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш бўйича комиссияси ўз мажлисида «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг валюта назорати функцияларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини кўриб чиқиб, валютани тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларини бузганлиги учун мазкур банкка берилган чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи бош лицензияни қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси жамоаси Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудовга опаси

Муҳаббат ҒУЛОММАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу бирлашма директори, техника фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис депутати Абдували Ғуломмаҳмудовга опаси

Муҳаббат ҒУЛОММАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси Халқаро кўрсатувлар дирекциясининг мухбири Анвар Турсунметовга опаси

Самад Саидович ТУРСУНМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«Тошкент» республика фонд биржаси меҳнат жамоаси Давлат мулки қўмитаси Гулистон филиали раиси Фитриддин Кутбиддиновга акаси

Мўминхон ҚУТБИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент» республика фонд биржаси меҳнат жамоаси қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга олиш ва сотиш бошқармасининг бошлиғи Баҳодир Каттахўжаевга опаси

Мансур КАТТАХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Илғор тажриба

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН

Тошкент тўқимачилик комбинати мамлакатимиздаги кўҳна ва йирик саноат корхоналаридан биридир. Унинг ташкил этилганига 60 йилдан ошди. Бугунги кунда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхона иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил одим ташламоқда. Шуни таъкидлаш керакки, фидокорона меҳнат, кўп йиллик тажриба ва доимий изланиш бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган қийинчиликларни бартараф этиш, жаҳон андозаларига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда қўл келаётир. Иқтисодий эркинлик корхона учун янги истиқболлар очди. Замонавий технологияларни ўзлаштириш, хориж билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётганлиги, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Саҳифада чоп этилаётган мақолаларда ана шу каби ибратли ишлар ҳақида сўз юритилади.

БОЗОР ТАЛАБИ АСОСИДА

Маълумки, тўқимачилик мамлакатимиз енгил саноат тизимининг устивор йўналишларидан бири саналади. Бу борада тўпланган кўп йиллик бой тажриба, пухта моддий-техник замин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Иқтисодий эркинлик, янги мулкий муносабатлар барча қатори жамоамиз учун ҳам истиқбол сари кенг йўл очди, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Бу, албатта, мустақиллик берган буюк неъматлардан биридир.

Байналмилал корхонамизда юзга яқин миллат ва элатга мансуб 12 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар. Мавжуд йигирув, тўқув, тикув ҳамда пардозлаш фабрикаларимизда иш тўлиқ икки сменада ташкил этилган. Шунингдек, йигириш-тўқиш жараёнлари амалга ошириладиган 3 та филиал мавжуд. Уларнинг иккитаси пойтахтимизда, биттаси Паркент туманида фаолият кўрсатаяпти. Кейинги йилларда бошқарув тизимини такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоялаш, янги ва самарали технологияларни ўзлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилдики, улар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.

Мен бу ўринда нимани назарда тутаяпман? Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашгани сари кишиларнинг онги ва дунёқараши ўзгариб, мулкка ва меҳнатга муносабат тубдан яхшиланмоқда, боқимандалик кайфияти барҳам топмоқда. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки бозорнинг талаби қатъий. У саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб, алалоқибат ўз қонуниятлари билан ҳисоблашишга мажбур этади. Буни кундалик тажрибада кўриб келаяпмиз. Сирасини айтганда, ип-газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз мамлакат истеъмол бозорини тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масъулият юки оғир. Олдимизга қўйилган вазифаларни бекаму кўст уддалаш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Шуни айтиш керакки, цехлардаги аксарият ускуна ва дастгоҳлар, технологиялар 30-йилларда ўрнатилган бўлиб, бугунги кунда техник жиҳатдан эскириб қолган. Уларни янгиламасдан туриб, жаҳон андозаларига мос, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан, албатта. Бу борада иқтисодий эркинлик, тўғрироғи, тавакалчилик бизга қўл келди: замонавий техника ва технологиялар сотиб олиш учун маблағни аямадик. Натижада мавжуд 4000 та дастгоҳдан мингдан зиёдроғи янгиларига алмаштирилди. Малакали кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Корхона ҳузурида махсус лицей ташкил этилган бўлиб, бу ерда ҳар йили мингта яқин йигит-қизлар турли касб-кор сирларини эгаллаяптилар. Самара чакки эмас. Ҳар ойда 350-370 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Номма-ном санайдиган бўлсак, уларнинг тури қирқдан ошади: чит, сатин, марли, кўрпа-ёстиқ ғилофлари, турли хил кийим-кечаклар, ғалтак ип ва ҳоказо. Яқинда пишиқ ва мустаҳкам ип ўрамлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёрдамчи фабрика фойдаланишга топширилди. Истеъмол бозорида бу хил маҳсулотга талаб катта. Буюртмачилар сонининг кун сайин ошаётганлиги шундан далолат беради.

Ҳозирги пайтда мулкчиликнинг турли шакллари оммалашиб бормоқда. Корхонамиз 1994 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Янги иқтисодий шароитда иш олиб бораётган жамоа аъзоларининг меҳнатдан манфаатдорлиги ошса-ошаяптики, камайгани йўқ. Улар умумий фойда қанча кўп бўлса, шунча кўп ҳақ олишларини тўла англашади. Бу мулкдорлик, хўжайинлик туйғусининг амалдаги кўринишидир, десам асло янглишмайман. Бизда ўртача маош 5,5—6 минг сўмни ташкил этади. 8—10 минг сўм оладиганлар ҳам бор. Ўтган йили дастлабки акция қоғозларини чиқардик. Уларнинг 40 фоизини депозитарийга қўйганмиз. Эндиликда акциялар савдосини кенгайтириш, қабул қилинган меъёрий низом асосида дивиденд жамғармаси ажратиш масаласи устида ўйлаяпмиз.

Мустақиллик шарофати туфайли дунёга чиқиш, хорижий ишбилармонлар билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдик. Ҳозирги кунда Япония, Испания, Чехия, Россия, Украина, Қозоғистон давлатлари билан тўқимачилик соҳаси бўйича икки томонлама эркин шартномалар тузилган. Бу бизга замонавий технология, юқори қувватли ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришда қўл келаяпти. Зеро, иқтисодий ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Йилига 6 миллиард сўм атрофида маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлсак, шунинг бир қисмини чет эллик харидорларга валютага сотаяпмиз. Ўтган йили бу кўрсаткич 1,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз сифати ҳақида ҳозирга қадар бирон бир эътироз эшитганимиз йўқ. Баъзи корхоналарда бўлганидек, улар омборларда чанг босиб ётгани ҳам йўқ. Одатда қанча ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни бозордаги талаб ва таклиф белгилайди. Биз ана шу қоидани ўзимиз учун асосий мезон қилиб белгиладганмиз. Тошкент тўқимачилик корхонаси Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, америкалик тадбиркорлар томонидан таъсис этилган халқаро «Олтин глобус» совринига лойиқ кўрилганлиги бежиз бўлмаса керак. Бу жамоамиз учун катта шараф, албатта.

Айни даврнинг талаби шундайки, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши, ўз муаммосини ўзи ҳал этиши лозим. Тўғри, бизда ҳам муаммолар етарли. Асосий хомашё — пахта толаси таъминотида узилишлар бўлиб туради. Тўқимачилик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар камчил. Бори ҳам қиммат. Иқтисоддаги қийинчиликлар сабабли ишлаб чиқаришни тўлиқ замонавий технология асосига ўтказиш имконияти бўлмаяпти. Бу эзгу ниятни яқин келажакда, албатта, амалга оширамиз. Чунки жамоамиз аъзолари меҳнатдан қочмайдиган, фидоий инсонлардир. Уларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳаётий эҳтиёжлари доимо эътиборда. Яқинда корхона маблағига қурилган тўрт қаватли, 48 ҳонадонли янги уй фойдаланишга топширилди. Уларни муҳтож оилаларга асосан бепул тарқатдик. Барча вилоятларда, жумладан, Тошкент шаҳрида тўртта фирма дўконимиз мавжуд. Комбинат цехларида ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, турли хил кийим-кечаклар бу дўконларда нисбатан арзон нархларда сотилмоқда. Заруратга қараб ишчи-хизматчиларимиз уларни насияга ҳам олишлари мумкин. Ҳар бир фабрика қошида ошхона, душ, сауна ишлаб турибди. Ёш авлод тарбияси жамоа аъзоларининг сиҳат-саломатлиги учун йил сайин кўп маблағ ажратилмоқда. Зеро, меҳнаткаш инсон ҳақида амалий ғамхўрлик юқори самарадорликка эришишнинг ҳал қилувчи гаровидир.

Б. ТУРСУНБОЕВ,
«Тошкент тўқимачилик комбинати» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари.

Меҳнаткаш инсон, унинг ҳаётий манфаатлари биз учун ҳамиша биринчи ўринда туради. Зеро, талабчанликни ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан қўшиб олиб бориш умумий иш манфаати йўлида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ИНСОН

Турли миллат ва элат вакилларидан иборат жамоа аъзолари учун қулай шарт-шароит яратиш, бозор иқтисодиёти жараёнида уларни ижтимоий жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Барчага аён: соғлиғи, оиласи, рўзғоридан қўнгли тўқ одамгина баракали меҳнат қилади, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун куч-ғайратини аямайди. Биз ўз фаолиятимизда масаланинг ана шу жиҳатини эътибордан четда қолдираётганимиз йўқ. Мавжуд 4 та фабрика ва 3 та филиалда 12 мингдан зиёд киши ишлайди. Айни кунда улар кўпгина қулайликлардан баҳраманд. Меҳнат илғорлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилади.

Корхонамиз 1994 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Мулк шаклининг ўзгариши эркин фаолият, шахсий ташаббускорлик учун кенг йўл очди. Эндиликда ҳар бир тўқувчи, йигирувчи ва тикувчидан тортиб муҳандис-техник ходимгача ўз меҳнатидан тўла манфаатдор. Улар моддий манфаатдорлик пировард натижага боғлиқлигини қалбдан ҳис этиб ишлашаяпти. Касабакўм корхона маъмурияти билан ҳамкорликда жамоа аъзоларининг эзгу интилишларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, цехларда қатъий меҳнат маромини таъминлашга, амалий ғамхўрликни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати тобора яхшиланмоқда.

Яқинда жамоа маблағи ҳисобига қурилган тўрт қаватли, 48 хонали уй муҳтож оилаларга бепул тарқатилди. Мавжуд 42 та боғчада тўқимачиларнинг 1000 га яқин фарзандлари тарбияланмоқда. Ишчи ётоқхоналарида яшаш учун зарур шарт-шароит яратилган. Ҳозир уларнинг бир қисмида таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Комбинат ҳузурида салқин ичимликлар цехи, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар мавжуд. Бу ерда ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган сут, қатиқ, гўшт, пишлоқ, қаймоқ нисбатан арзон нархларда сотилади. Ҳар бир фабрика қошида ошхона мавжуд. Тушлик харажатнинг бир қисми корхона маблағи ҳисобидан қопланмоқда. Ходимларга ҳар куни бепул суткатиқ тарқатилади. Уларни ишга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун махсус транспорт ажратилган. Ўртача ойлик маош 5500—6000 сўмни ташкил этаяпти.

Саломатлик — туман бойлиги, дейди халқимиз. Бу ҳикмат замирида катта маъно бор. Жамоа аъзоларининг сиҳат-саломатлигини таъминлаш учун маблағни аямаяпмиз. Бизда турли курорт ва санаторийларда дам олиш, даволаниш муаммо эмас. Чунки йўлланма нархининг асосий қисмини касабақўм тўлайди. Бундан ташқари «Тошкент денгизи» яқинида ўз профилакторийимиз бор. Айни кунда цехлардаги шовқин миқдорини камайтириш, чиқарилган акциялар учун дивиденд тўловларини жорий этиш масалалари устида ўйлаяпмиз.

С. САИДХОНОВ,
корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси.

ЭНДИ ЧЕТДАН ТАШИБ КЕЛТИРИЛМАЙДИ

Мустақилликнинг беш йиллик байрами арафасида корхона жамоаси қувончли воқеанинг шоҳиди бўлди: ип-газлама шохобчаси заминида янги ип-йигирув фабрикаси ташкил этилди. Чарм-галантерея саноати учун турли хилдаги махсус ғалтак иплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур фабриканинг истиқболи порлоқ. Чунки республикамизда унинг маҳсулотларига талаб катта. Сабаб? Фабрика директори Вазген Иванович ЛУСИНЯН буни қуйидагича шарҳлайди:

— Бозор иқтисодиёти барча соҳада аниқ ҳисоб-китоб, ақл ва тадбир, омилкорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз қобиғига ўралиб, хориж билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўймаган ҳар қандай корхона ё банкротга учрайди ёки буткул қолоқлар safига тушиб қолади. Бундан худонинг ўзи асрасин.

Фабрикамиз мустақиллик меваси сифатида дунёга келди. Ўдеярли юз фоиз чет эл ускунаси билан жиҳозланган. Кўпчилик яхши билса керак: илгари пойабзал, чарм буюмлар тикиш учун асқотадиган чайир иплар республикамизга асосан хориждан олиб келинарди. Албатта, валюта ҳисобига. Энди Ўзбекистон — мустақил давлат. Бу борадаги тақчилликка барҳам бериш учун кучимиз ҳам, имкониятларимиз ҳам етарли. Қачонгача четга кўз тикамиз, ахир? Ният холис бўлса, ҳар қандай ташвишу қийинчилик писанд эмас.

Комбинатимиз раҳбарияти, аниқроғи, ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси М. Узоқов ҳамда бош муҳандис В. Шимёвонанинг саъй-ҳаракати билан иқтисодий масалалар ўз ечимини топди. Ушбу хайрли ишга бош-қош бўлиб, уни охиригача етказганликлари учун улардан миннатдормиз. Германия, Швейцария каби ривожланган мамлакатлардан самарали технологиялар, замонавий ускуналар сотиб олинди. Фабрикани жиҳозлаш, уни янги хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришда мазкур давлатлардан келган ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдамлашдилар. Улар ҳам ўрганиб, ҳам ўргатишди.

Айтиш керакки, бизда малакали мутахассислар тайёрлаш муаммоси аллақачон ҳал этилган. Комбинат ҳузуридаги махсус ишлаб чиқариш лицейини ҳар йили минглаб ёшлар битириб чиқишаяпти. Мустақил фаолият жараёни эса улар учун жиддий синовдир. Фабрикамиз ўз кўлами ва миқёси жиҳатидан асосий корхонанинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу ерда 2000 дан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири билан йиллик шартнома (контракт) тузганмиз. Маҳсулот сифати — бош мезон. Бу жамоа аъзолари олдига қўйилган бирдан-бир ва муҳим талабдир.

Юқорида таъкидланганидек, бизда асосан махсус ип ўрамлари ишлаб чиқарилади. Таркибига сунъий тола қўшиб мустаҳкамланган бу чайир иплар пойабзал, чарм-галантерея корхоналари учун жуда зарур. Яъни, улар оддий ғалтак иплардан тубдан фарқ қилади. Маҳсулотимизнинг дастлабки намуналари ҳозир тажрибада синаб кўрилаяпти. Натижа чакки эмас. Саноатчилар унинг сифати хорижникидан қолишмаслигини таъкидлашаяпти. Демак, кураш ва интилишимиз ўз самарасини кўрсатадиган кунлар узоқ эмас.

Фабрика тўла қувват билан ишга тушгач, саноатнинг бу хил маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти туғилади, уни четдан сотиб олишга ҳожат қолмайди. Бундай дейишга барча асослар бор. Эътибор беринг: мавжуд 8 та цехимиз 900 дан зиёд йигирув дастгоҳлари ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар 8 та дасттоҳни бир киши бошқаради. Йилига 4000 тонна толани қайта ишлаш, 200 миллионта турли рангдаги шартли ғалтак ип ишлаб чиқариш мумкин. Янги дастгоҳлар ўрнатилиши натижасида йигирувчиларимизнинг мушкули осон бўлди, меҳнат унумдорлиги 2-2,5 баравар ошди. Н. Аҳмедова, Н. Тарасова, Ф. Гизатулина, Н. Жўраев, Н. Дадабоев, Б. Сатторов, Г. Громова, Ў. Султонова каби илғорлар кунлик ва ойлик режаларини ошириш билан бажариб, касбдошлари ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатига 1932 йилда асос солинган. Ҳозирги кунда бу ерда турли миллат ва элатга мансуб 12 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

* * *

Корхона ҳудуди 90 гектарни ташкил этади. Унинг тасарруфида ип йигириш, калавалаш, тикиш ва пардозлашга ихтисослашган 4 та фабрика, шуниндек, 3 та филиал мавжуд. Филиаллардан 2 таси Тошкентда, 1 таси Паркент туманида фаолият кўрсатмоқда.

* * *

Ҳар ойда ўртача 360-370 млн. сўмлик, қирқдан зиёд турда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Комбинат ўзининг сифатли маҳсулотлари ва меҳнатда эришган юқори кўрсаткичлари учун америкалик тадбиркорлар томонидан таъсис этилган «Олтин глобус» совринига сазовор бўлган.

* * *

1994 йилда корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Цехлардаги дастгоҳларнинг умумий сони 4000 дан зиёд. Мустақиллик йиллларида улардан 1000 таси янгиларига алмаштирилди. Қариб 2 млн. АҚШ долларига замонавий технология сотиб олинди, асосий цехларга ўрнатилди.

* * *

Ҳозирги кунда жаҳондаги бир қатор ривожланган мамлакатлар, Германия, Италия, Япония, Испания, Россия билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Маҳсулот асосан валютага сотилаётганлиги туфайли корхона иқтисодиёти мустаҳкамланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари кўпаймоқда.

* * *

Жамоа аъзоларининг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир цехда душ, сауна мавжуд. 12 та боғчада тўқимачиларнинг 1000 га яқин фарзандлари тарбияланмоқда. Ёрдамчи фабрикаларнинг ҳар бирида ошхона ишлаб турибди.

«Шуҳрат» медали соҳибаси

Инсон эзгулик учун дунёга келади. Зеро, яшашдан мақсад фақат қорин тўйдириш эмас, балки умрни хайрли ва некбин ишларга бағишламоқ, ҳаёт деб аталмиш рўйи заминда ёрқин из қолдирмоқдир. Бундайин бахт ҳаммагаям насиб этавермайди. Корхона бош муҳандиси Валентина Шимёнова билан суҳбатлашарканман, ана шулар ҳақида ўйлайман. Унинг деразалари кунчиқарга қараган хонаси кенг, ёруғ. Бу ерга кирган киши аёлларга хос нозик дид ва орасталикни дарҳол пайқайди. Ҳамма нарса ўз ўрнида, ортиқча ҳашамдан асар ҳам йўқ.

ЎЛҒАЙИШ

(Лавҳа)

Валентина Фёдоровна гапираётганда қаяжонланмайди, фикрини лўнда ва аниқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қилади. Умуман, кўпни кўрган, ўрта бўйли, мулоҳазакор бу аёл билан гурунглашиш мароқли. Корхонанинг юрак уришини, муаммо ва имкониятларини, цехлардаги иш жараёнини беш қўлдек билади. Чунки 40 йилдан бери шу ерда меҳнат қилиб, аксарияти хотин-қизлардан иборат йирик жамоанинг қувончу ташвишига шерик бўлиб келмоқда. Буни касбга садоқат, чинакам фидойилик дейдилар!

...Телефон жиринглади. Опа узр сўраб, дастакни кўтаради.

— Эшитаман. Ким бу? Эҳа, сизмисиз, Вазген Иванович... Нима гап, тинчликми? Шунақа денг... Яхши эмас. Айтувдим-ку, ахир, эски дастгоҳларга «нагрузка» туширманглар, деб. Фабрика инженери қаерда? Мастер ёрдамчисичи? Дарҳол топтиринг. Мен тезда етиб бораман.

Валентина Фёдоровна дастакни жойига қўйди. Сўнг, хижолатомуз жилмайиб, изоҳ берган бўлди:

— Биласизми, мустақилликнинг беш йиллиги арафасида комбинатимиз ҳузурида янги ип-йигирув фабрикасини ишга туширгандик. Дастгоҳлар, асбоб-ускуналар асосан хориждан келтирилган. Лекин эскилари ҳам бор. Бир-иккитасида урчуқ иплари тез-тез узилиб, йигирувчиларни диққат қилаётганмиш. Фабрика директори Вазген Иванович Лусиняннинг ўзи қўнгироқ қилди. Биз ҳозир ўз олдимизга жаҳон андозаларига мос, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини қўйганмиз. Носоз дастгоҳда эса сифатли маҳсулот тўқиб бўлмайди. Бориш керак...

Бош муҳандиснинг куюнчаклигини тушуниш мумкин. Юрак тубида бурч ва масъулият туйғуси мавжланиб турганда, инсон бошқача йўл тутолмайди. Мен Валентина Фёдоровнанинг айни пайтдаги ҳолатини ўзимча шундай баҳоладим. Табиий, улкан корхонадаги барча техник ва технологик жараёнлар, қолаверса икки сменали иш мароми кўп жиҳатдан унга ва унинг ташкилотчилигига боғлиқ. Ҳаммасига улгуриши, одамлар дилига йўл топиши, маҳсулот сифати ва унинг дизайни ҳақида ўйлаши лозим. Бу, албатта, осон эмас.

Айни кунда корхона қошида 4 та ёрдамчи фабрика, 3 та филиал мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси яхлит бир жараёнга хизмат қилади. Ип йигириш, тўқиш ва пардозлашга ихтисослашган бу фабрикаларнинг ҳар бирида 1500-2000 киши ишлайди. Муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар ҳам етарли. Уларнинг аксарияти ёшлар, аниқроғи, Валентина опанинг шогирдлари. Устознинг бой тажрибаси, ўгит ва маслаҳатлари шогирдлар учун олтиндек азиз. Шу боисдан ҳар бир масалада унинг фикрини олишга тўғри келади.

Доимий изланиш, ақиллик ва ҳамжиҳатлик билан қилинаётган меҳнат туфайли корхона иқтисодий тараққиёт йўлидан шахдам одим ташламоқда. Кейинги икки-уч йил мобайнида мавжуд 4000 та дастгоҳдан 1000 дан зиёди янгиларига алмаштирилди. Бунинг самараси ўлароқ, иш унумдорлиги ошиб, маҳсулот сифатини яхшилаш имконияти туғилмоқда. Жамоани чинакам байналмилал оила, деса бўлади. Улар орасида юзга яқин миллат ва элат вакилларини учратиш мумкин.

Албатта, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муаммолар тўқимачиларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Асосий хомашё — пахта толаси, сода, крахмал камчил. Тўқув дастгоҳлари учун зарур эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бу ҳамма жойда бор гап. Бинобарин, олма пиш, оғзимга туш, қабилида қўл қовуштириб ўтиришдан бирон наф чиқмайди. Корхонада рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатига кенг йўл очилган. Самарали таклифлар ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиб, уларнинг муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Энг муҳими, эндиликда кўпгина деталлар, зарур эҳтиёт қисмлар комбинат ҳузуридаги механика заводида тайёрланаяпти. Бу эса қатъий меҳнат маромини таъминлаш билан бирга, анчагина маблағни тежаш имконини бераётир.

...Бош муҳандиснинг вақти ҳам, иши ҳам тиғиз. Ўз роҳатини жамоа аъзоларининг фароғатида деб биладиган бу тиниббтинчимас аёл учун майда-чуйда нарса йўқ. Керак бўлган жойда доим ҳозиру нозир. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан корхона 1994 йилдан бери чиқитсиз технологияга ўтган. Илгари ташлаб юбориладиган турли қийқимлардан рўзғорбоп буюмлар тикилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ҳар ойда 360-370 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг тури 40 дан зиёд: калава, газлама, чойшаб, ғалтак ип...

Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Бу ҳикмат айни лавҳамиз қаҳрамони В. Шимёнова шаънига айтилгандек. Оренбург шаҳрида туғилган қизни тақдир шамоли Ўзбекистонга етаклаб келди. 1956 йилда Олмазордаги ўрта мактабнинг 8-синфини битириб, Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга кирди. Ўшандан бери қадрдон жамоаси багридан узилгани йўқ. Сиртдан ўқиб, олий маълумотли бўлди. Бахтини ҳам, тахтини ҳам шу ерда топди. Туп қўйиб, палак ёзди. Турмуш ўртоғи Валентин Шимёнов узоқ йиллар корхонада мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир ногиронлик нафақасида. Тез-тез бу ерга келиб туради. Эндиликда унинг ишини ўғиллари Евгений Шимёнов давом эттирмоқда. Бу оилани жамоада тўқимачилар сулоласи, деб эъзозлашади.

Оддий калаваловчиликдан бош муҳандисликкача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтган Валентина Фёдоровна учун 1996 йил алоҳида мазмунга эга. Чунки у мустақилликнинг беш йиллиги муносабати билан республикамиз Президентининг Фармонига мувофиқ бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари қатори «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Бу опанинг кўп йиллик самарали меҳнати ва хизматларига берилган муносиб баҳодир.

КАСБИНГНИ СЕВСАНГ...

Юқори сифат ва самарадорлик — бугунги бозор шароитида ҳар бир меҳнат жамоаси олдига қўйилган бирдан-бир асосий талабдир. Чунки янги мулкий-иқтисодий муносабатлар туфайли эндиликда истеъмолчи учун танлаш имконияти вужудга келди. Сифатсиз маҳсулот унга ва умуман, ҳеч кимга керак эмас. Бу, айниқса, биз, тўқимачилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Фабрикамиз жамоаси ички бозорни сифатли моллар билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда мавжуд цехлар кенгайтирилиб, янги жиҳозлар ўрнатилди, замонавий технологиялар ўзлаштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг касб маҳорати ҳамда иқтисодий манфаатдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада аҳвол ижобий томонга ўзгариб, мулкка ва меҳнатга нисбатан соғлом муносабат қарор топаяпти. Эришаётган ютуқларимизнинг сири ана шунда бўлса керак.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда шахсий ташаббус ҳамда уюшқоқлик ҳар қачонгидан муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Жамоамизнинг ишлаб чиқариш фаолиятига оид аниқ маълумотларга эга эмасман. Аммо бир нарсага гувоҳлик бера оламанки, бизда интизом ҳам, меҳнат маромининг ҳам қатъий. Мавжуд 1100 та дастгоҳдан унумли фойдаланиш туфайли ойига 450 тонна калава, 2,2 млн. погон-метр газлама маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Булар, асосан, бўз, сатин, чит ва бошқа кийимбоп материаллардир. Сифати, пишиқ ва чидамлилиги жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Шу боисдан ҳам харидоргир. Баъзи корхоналарда бўлганидек, омборларда чанг босиб ётгани йўқ. Бу, албатта, бизни қувонтиради.

Жамоамиз аъзолари 900 кишидан зиёд. Ҳар ким меҳнатига, умумий ишга қўшган ҳиссасига қараб ҳақ олади. Фабрика ҳузурида душ, сауна мавжуд. Ишчи-хизматчилар учун сут-қатиқ бепул. Ўзимга келсак, ойлик маошим 6500-7000 сўмдан кам тушаётгани йўқ. Иккита ип йигирув машинасини бошқараман. Сердиққат иш. Лекин касбини севган кишига ҳар қандай меҳнат ҳам завқ бағишлайди.

Феруза ЕСИМОВА,
1-тўқув фабрикаси йигирувчиси.

Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» мухбири Носир Тошев тайёрлади.
Суратлар муаллифи З. Пернеев.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

АБДУЛЛА ОРИПОВ:

УЛУҒ ҒОЯЛАР УЛУҒ ИНСОНЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗАДИ

Шоир Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси сиёҳи қуриб улгурмасидан, наинки китобхонлар ўртасида, балки театр арбоблари орасида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди. Улар шу шеърий драмани бирин-кетин саҳнага қўймоққа киришдилар. Кўп ўтмай, хориждан ҳам хушхабарлар кела бошлади: асарингизни театримизда қўймоқчи эдик...

Қўшни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Бобур номидаги театрида «Соҳибқирон» спектаклининг намойиши бўлди. Бу нафақат машҳур шоиримизнинг ижодига, балки 660 йиллик таваллудини нишонлаётганимиз Амир Темур бобомизнинг ҳаётига ҳам катта қизиқишдан далолатдир.

«Соҳибқирон»дек залворли асарлар бир кунда дунёга келмайди, албатта. У — неча йиллик тинимсиз меҳнат, изланиш, ўқиш-ўрганиш самарасидир. Буюк шахслар ҳақида асар яратиш учун ижодкор ҳам ўз қаҳрамонига муносиб бўлиши керак. Бу ўринда айнан шундай бўлганлигига шубҳа йўқ.

Шу боис бобомизнинг таваллуд тўйи арафасида севимли шоиримизни суҳбатга тортдик.

СОҲИБҚИРОН ЗИММАСИГА ЮКЛАНГАН ЮМУШ

— Абдулла ака, Амир Темур бобомизнинг саркардалик, давлат арбоби ва маърифатпарварлик фаолияти ҳақида китоблардан озми-кўпми ўқиб биляпмиз. Лекин соҳибқирон инсон сифатида қандай одам бўлган? Бундай саволга жавоб ахтаришга тушсангиз, кўплаб ривояту афсоналар, латифаю ҳангомаларга, миш-мишларга ҳам дуч келасиз. Сиз узоқ йиллардан буён Амир Темур фаолиятини астойдил ўрганиб келаётган ижодкор сифатида бундай саволга нима деб жавоб берасиз? Суҳбатимизни шундан бошласак.

— Умуман, буюк шахслар ҳаёти ҳақида турли ривояту афсоналар, ҳатто ёлғон-яшиқ гаплар, миш-мишлар кўп бўлади. Бу — табиий. Бундай шахслар уммонда сузиб бораётган улкан кемага ўхшайди — изи ҳам шунча яраша, кенг ва мавжли бўлади. Жумладан, Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги турли миш-мишлару ривоятлар ҳам ҳали у киши ҳаётлигидаёқ кенг тарқала бошлаган. Масалан, у кишининг дунёга келишини бевосита илоҳият билан боғлашган — ҳазрат туғилганида вулқон отилган, чақмоқ чаққан экан ва ҳоказо. Бу — буюкликнинг белгиси.

Айтиш керакки, Амир Темур ҳазратларидай шахслар йилда эмас, асрда эмас, минг йилларда бир маротаба дунёга келади. У кишининг «Соҳибқирон» деб ном олишининг замирида ҳам табиатда бўладиган жараёнлар ўз аксини топган, деб айтилади. Яъни, у киши жаддий юлдузлар туркуми кийик шаклига кирган вақтда туғилган. Бу ҳолат саккиз юз йилда бир марта рўй берар экан. Айтишларича, пайғамбаримиз Расули Акрам Муҳаммад Алайҳиссалам жаноблари, Искандар Зулқарнайн туғилганида ҳам шундай бўлган — осмони фалакда Муштарий ва Зуҳро юлдузлари бир-бири билан бақамти келиб, кийик шаклига кирган. Айнан шу сонияда туғилган бола соҳибқирон бўлиб етишади, деган ақида қадимдан мавжуд.

Лекин ўша сонияда биргина Амир Темур ҳазратлари туғилмаган-ку? Нега қолганлар бундай улуғ мартабага эришмаганлар? Албатта, бу Аллоҳнинг иноюти билан бўлади.

Аввало, бобомизга парвардигор буюк истеъдод берган ва айни пайтда у кишининг елкасига буюк бир тарихий юмуш ҳам юклаган. Шу жиҳатдан, мен юқоридаги ривоятларда катта бир маънолик бор, деб ўйлайман.

Эътибор беринг: халқимиз неча йиллар мўғуллар истилоси остида эзилиб келди. Ана шу жабр-зулумдан эзилган, жонидан тўйган халқнинг фарёд ва илтижолари ҳаққа бориб етган. Аллоҳ — еркарам, соҳибқиронни жўнатган: бориб Ватанингни, халқингни босқинчилардан озод қиласан, унинг бошини қовуштирасан, бандаи мўминнинг бошини силайсан... Шу тариқа, бу зотнинг зиммасига ана шундай буюк юмуш юкланган. Албатта, бу гапларимнинг мутаассибликка сирасира алоқаси йўқ.

Амир Темур ҳазратларининг дунёга келишининг табиий ва ижтимоий сабабини мен шундай деб тушунаман.

— Бу юмуш туфайли у кишига катта имконият ҳам берилган...

— Албатта. Тарих гувоҳ: бу дунёдан қанчадан-қанча подшоҳлар ўтмаган. Уларнинг қанчаданқанчаси тахтга ўтиргач, ўз роҳатфароғатини, маишатию хазинасини ўйлаш билан овора бўлиб, умрини совурган. Амир Темур ҳазратларининг буюклиги ҳам шунда — у зот ўзининг, саройнинг майда ташвишлари билан ўралашиб қолмади. Ҳолбуки, у киши ҳам ўз ҳаловатини ўйлаб гафлатга берилиши мумкин эди, Мовароуннаҳрга подшоҳ бўлгач, тинчина яшаса бўларди. Шунга яраша имкони, бойлиги бор эди. Аммо бобомиз бундай қилмади. Элим деб, юртим деб, унинг шони, шавкати, озодлиги деб, ҳаловатсиз умр кечирди. Биргина мисол: ул зот бир марта беш йил, иккинчи гал яна беш йил, учинчи сафар эса етти йилга пойтахти Самарқанддан чиқиб кетган. Ватанни озод қилиш, унда осойишталик ўрнатиш, тарқоқ, эзилган улуснинг бошини бириктириш учун. Бошқача айтганда, умри от устида, лашкар орасида ўтган. Ўзлари: амирлик завқидан ҳам кўра, унинг азобини кўп тортдим, дейдилар. Лекин бобомиз чеккан заҳматларининг боиси — миллатнинг, Ватаннинг дардларига дармон бўлиш. Улуғ ғоялар улуғ инсонларни вояга етказади, деган ҳикмат бор. Амир Темур ҳазратларини буюклик даражасига кўтарган, дунёга танитган ана шу — ўз улусининг бахт-саодатини ўзининг ҳаловатидан устун қўя билганидир.

Дунёдан не-не жаҳонгирлар ўтган, лекин уларнинг деярли бирортаси тарқоқ улусни бирлаштириб, Амир Темурдек адолат билан бошқара олмаган.

— Бунинг боиси нимада?

— Боиси бизнинг бобомиз қадами етган жойни бузмаган, балки тузган. Ўзларининг гапи бор: бирор жойдан бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўнта қилиб қўйдим. Бунга тарих гувоҳ — Самарқанд, Шаҳрисабз, Балх, Ўтрор, Қобул, Исфара, Туркистон... Ўша замонларда обод бўлган бундай шаҳарларнинг номини яна кўплаб келтириш мумкин. Ўзини жаҳонга даъвогар деб билган бошқа саркардаларни, дейлик, Чингизхонни олинг. Чингиз лашкари ўтган жойда фақат қуюну култепа қолган. Қадами етган жойни бузган, ер билан яксон қилиб, саҳроға айлантириб кетаверган. Чингизхон даврида обод бўлган бирор кентнинг номини тилга ололасизми? Гитлер замонида-чи? Йўқ. Уларнинг фожиаси ҳам шунда — бузғунчилигида. Бузғунчилиги туфайли ҳали тириклигидаёқ улар олам аҳли нафратига гирифтор бўлдилар.

Соҳибқирон ҳазратлари қанчалик буюк бўлса, шунчалик ҳокисор ҳам бўлган эканлар. Ўз лашкарларининг қозонидан таом еган, оддий кийинган. Европалик муаррихсайёҳ Клавихонинг ёзишича, Чин Мочину Хўжанднинг ипак либослари турганида, Амир Темур ҳазратлари кўпинча Шаҳрисабзнинг оддий матосидан тикилган (яъни олача) кийим, оддий калаваш кийиб юрган. Ярим дунё тасарруфида бўлишига қарамай, оёқлари она заминдан узилмаган...

Соҳибқирон бир гал Кавказ тоғларида қишни қаршилайди. Шунда лашкарим бекор турмасин деб ариқ қаздиради ва унга «Барлосариқ» деб ном беради. Ҳазрат ҳаётлигида бирор жойга ҳам ўзининг номини қўйдирган эмас. «Барлосариқ» эса ҳозир ҳам бор, Озарбайжоннинг Қорабоғ вилоятида. Бу афсона эмас, тарихий ҳақиқат.

Қазо вақти етиб, чин дунёга кетар чоғларида, ҳокимни пирим Саид Барака пойига қўйинглар, деб васият қилади. Кейинчалик соҳибқирон ҳазратларининг бу васияти амалга оширилади. У киши ҳозир ҳам пирларининг пойида осойишталар. Темур ҳазратлари нега бундай йўл тутган? Ўзини устозининг пойида кўрган? Ахир ул зот ярим дунёни ўзига бўйинсундирган жаҳонгир эдилар-ку? Бобомизнинг бу васиятида улуғ бир ҳикмат бор. Ўз авлодларига ибрат қолдирган: фанони унутманглар, иймондан, тўғрилик ва адолатдан тойманглар, доим бамаслаҳат иш қилинглар, деган ақидани сингдирганлар.

Кишини лол қолдирадиган яна бир фазилати — соҳибқирон ҳазратлари мамлакатни ўта қаттиққўллик билан идора этган бўлсалар-да (бусиз ўрта асрларда салтанатни бошқариш қийин эди), табиатан ўта кўнгилчан бўлганлар. Бирор жиғарбандидан айрилиб қолса, ҳафталар йиғлаган эканлар. Мана ман деган пирлари ҳам жаҳонгирни юпата олмаган, бундай кезларда. Демак, соҳибқирон одам боласининг жонини қадрлаган. Беҳуда қон тўкилишларнинг олдини олган.

АДОЛАТЛИ ОДАМ КУШОЙИШ ТОПАДИ

— Лекин, Абдулла ака, шамширсиз салтанатни бошқариш, айниқса, жаҳонгир бўлиш қийин...

— Албатта. Айниқса, жаҳонгир бобомиз яшаган ўша замонларда. Аммо соҳибқирон ҳазратлари ҳар ишга адолат мезони билан ёндошганлигини нафақат дўстлари, ҳатто ғанимлари ҳам тан олишган. Ул зотнинг энг севимли шиори «рости рости», яъни кўч адолатдадир, деган ҳикматли сўзлар бўлган. Салтанатни ҳам ана шундай ҳикматга амал қилиб бошқарганлар. Умуман, жаҳон тарихига назар солсангиз, марказлашган давлат тузишни бобомиз бошлаб берганлигининг гувоҳи бўласиз. Бугунги сўз билан айтганда, конституция — «тузиклар»ни ҳам у киши тузганлар. Токи бир саволга ҳар хил жавоб бўлмасин, ҳар ишга, ҳар бир фуқарога бир хил — адолат кўзи билан қарайлик, деган ақида билан иш юритганлар. Чунки, адолатли одам қушойиш топади.

Бобомизнинг яна бир улуғ фазилати — ниҳоятда кечиримли бўлганлар. Бирор муҳорабага кирар бўлсалар, шунгача ўша саркаш ғанимларини неча маротаба инсофга чақирганлар. Ўзлари айтадиларки, кенгашларимда, дейлик, ўнта масала рўбарў турса, тўққизтасини тинчлик, яхшилик йўли билан ечишга ҳаракат қилдим ва иложим қолмаганида, ўнинчисида шамширимга қўл юбордим. Амир Темур ҳазратлари Раҳмоннинг дўсти, суюкли вакили бўлган.

— Бобомизнинг саркардалик фаолияти ҳақида нима дея оласиз? Айтишларича, у кишининг жанг санъати жаҳоннинг энг олий ҳарбий академияларида ҳозиргача ўрганиб келинаркан.

— Буни, албатта, ҳарбийлар кўпроқ билишади. Лекин бу борада ўқиган китобларимга асосланиб, ишонч билан айтишим мумкинки, жаҳон тарихида илк мунтазам армияни Амир Темур ҳазратлари тузган. Ҳозир «авангард» деган атама ишлатилади ҳарбийларда. Соҳибқирон қўшининнинг олдинги сафларида борувчи махсус қисмини шундай — «обонгорт» деб атагани маълум. Жаҳон тарихида биринчи ҳарбий парадни ҳам жаҳонгир бобомиз ўтказганлар. Қўшинини ўнбоши, юзбоши, мингбошилар раҳбарлик қилувчи қисмларга бўлган. Улар ўртасида мунтазам темир интизом ўрнатган.

Амир Темур ҳазратларининг ҳарбий тактикаси жаҳон ҳарбийлари томонидан кенг ўрганилиши шу кунгача бизга, шўро зулми остида яшаган ўзбеклардагина номаълум эди. Аслида совет ҳарбий билим юртларида ҳам соҳибқироннинг жанг санъати кенг ўргатилгани бугун сир эмас. Фақат номи бошқача бўлган, холос.

Академик Тарленинг «Наполеон» деган китоби бор. Ушбу китобнинг 1943 йили чоп этилган нашрининг 333-бетида шундай маълумот келтирилади. Кимки, дейди франг жаҳонгир Наполеон ўз маршалларидан бирига, Амир Темур ўз-ўзича жанг қилган деса, катта хато қилади. Жаҳон тарихида илк мунтазам армияни, қулай тактика ва стратегияни Амир Темур ишлаб чиққан...

Бу — Европани тиз чўктирган Наполеоннинг гапи. Демак, у ҳам жанг санъатини Амир Темурдан ўрганган.

Соҳибқирон қайси бир шаҳар ёки қишлоқни ишғол қилса, ўша жойнинг эшонию мулласи, бойию камбағалини, қаерда қандай иншоот борлигини номма-ном айтиб бера оларкан. Бундан ҳамма ҳайрон: «Амир Темур одам боласи эмас, авлиё бўлса керак. Бу юртнинг бойию камбағалини қаердан билади. Умрида оёқ босмаган жойда қандай ариқ оқишини, унинг қаерига қандай кўприк қуриш лозимлигини қаердан билади?»

Бу ҳам жаҳонгир ҳазратларининг ўзига хос ҳарбий тактикасидан далолат беради. У киши қаерга боришни лозим топса, ўша ерга аввал ўз ҳуфияларини — разведкачиларини юборган. Қизиғи шундаки, ўша ҳуфиялар бир-бирини билмаган, танимаган. Жаҳонгир эса уларнинг барчасидан олинган маълумотни жамлаб, муқояса қилиб, бир фикрга келган. Кимга жазо бериб, кимга яхшилик қилишни аввалдан билган. Улуснинг аҳволидан ҳам шу тариқа хабардор бўлиб турган. Аркони давлатлардан ҳеч ким соҳибқиронни алдай олмаган.

Амир Темур ҳазратларининг жанг жадалларда қўли баланд келишининг боиси, доим лашкарини рози қилган, унинг бошини силаган. Мол-дунёсини лашкаридан аямаган. Амир Ҳусайн аксинча ҳасис, молпараст бўлгани учун мағлубиятга учраган.

Юртга осойиш истаган саркарда, аввало лашкарининг бошини силайди.

Соҳибқироннинг саркардаликда, сиёсатда, маърифатда бунчалик катта муваффақиятларга эришишининг сабабларидан яна бири — ул зот, ҳозирнинг ибораси билан айтганда, беҳад байналмилалчи бўлганлар. У кишининг армиясида турли миллат вакиллари хизмат қилган. Дунёнинг турли мамлакатларидан олимларни Самарқандга чорлаб, уларга ижод учун шароит яратиб берган. Ўз фарзандларига: «Уламо, пок ниятли, тоза қалб кишиларга талпиниб яша», деб ўқтириб келган. Мисрлик ибн Холдун исмли улуғ араб олими Самарқандда Амир Темур ҳазратлари ҳузурига кириб, Қоҳирага бориб келишга рухсат сўрайди. Соҳибқирон унга, биздан хафамисиз, дейди. «Йўқ, — дейди олим, — у ерда меннинг кутубхонам қолган». «Э балли, сизга устоз, — дейди Амир Темур. — Кутубхонангизга боринг ва бизга Арабистоғ, сиз билган, кўрган бошқа юртлар ҳақида китоб ёзиб келинг». Бу — тарихий ҳақиқат. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Абдулла ака, Амир Темур ҳазратлари ҳақида гап кетганида, яна бир савол туғилади. У киши тахтга чиққанларидан сўнг Самарқандда ўтирсалар бўлмасмиди? Салтанатига Моваро уннаҳрдай бой ўлканинг мол-мулки етмасмиди?

— Йўқ, соҳибқироннинг мақсади дунёни босиб олиш бўлмаган. Амир Темур ҳазратларини қўшни давлатларнинг подшолари ўз ҳолига қўйишмаган, тинимсиз жанга тортишган. Яйловларини тортиб олишган, карвонларини талашган, Ватанга юришлар қилиб, қайтадан босиб олмоқчи бўлишган. Алал оқибатда, соҳибқирон ҳазратлари улар билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлган. У кишининг олиб борган жанги жадалларини, юришларини тўғри тушуниш учун тарихга мана шу нуқтаи назар, тийрак кўз билан қараш керак. Жаҳонгир бобомиз ҳеч бир ўринда жангга биринчи бўлиб чиққан эмас. Муаммони, келишмовчиликни мурасо йўли билан ҳал этишга уринган. Масалан, у киши Рум султони Боязидга бир неча бор мактуб йўллаб, уни муросага чақиради. Сен ҳам, мен ҳам мусулмон, сен ҳам туркий, мен ҳам туркий, келишиб яшайлик, жанг қилсак, уят бўлади, дедилар. Аммо Йилдирим Боязид: эй Темур, агар сен жангга чиқмасанг, хотинларинг уч талоқ бўлсин деган мазмунда жавоб йўллайди. Хўш, бундай ҳақоратдан кейин соҳибқирон нима қилиши керак эди? У киши жангга киради ва Рум қайсари деб дунёга ном чиқарган Боязидни маглубиятга учратади. Лекин, ҳар не бўлса-да, Амир Темур ҳазратлари Боязид юртида қолган, Румни мустамлака қилган эмас. Румни Боязиднинг Сулаймон, Мустафо, Исо ва Мусо исмли ўғилларига бўлиб берган. Бу ҳолни кўрган Боязид: «Мен-чи? — дейди. — Мен нима қиламан?» «Сен, — дейди соҳибқирон, — Бурсада ўтириб султонлигингни қиласан...» Бу — тарихан бор гап.

— Бундай мартабага табиатан жасур ва иродали, адолатпарвар бўлмаган киши эришиши қийин.

— Балли. Соҳибқирон беҳад иродали, жасур зот бўлганлар. Замондошлари ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, у кишининг ғазабланганлигини ҳам, хурсанд бўлганлигини ҳам билиш қийин экан. Ҳаяжони ботиний бўлган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга ола билган. Жангларнинг бирида рақиби Шоҳ Мансур қандайдир йўллар билан соҳибқирон соқчиларини алдаб ўтиб, у кишига қилич уради. Аксига олиб, жаҳонгир ҳазратларининг қўлида қурол бўлмайди. Ҳалиги шаҳзода бир эмас, икки эмас, саккиз марта қулочкашлаб соҳибқирон бошига қилич туширади. Лекин жаҳонгирнинг дубулғасидан қилич ўтмайди. Амир Темур совуқконлик билан туради, ўзини у ёққа, бу ёққа ташламайди. Буни кўриб ҳамма додлаб юборади. Шоҳ Мансур ҳам қўрқиб кетади. «Бу, ростдан ҳам, худонинг илоҳий бандаси экан!» — деб қочишга тушади. Бу ҳам тўқиб чиқарилган мўъжиза эмас, ҳаётий гап. Жаҳонгирнинг дубулғасидан қилич ўтмагани рост.

Амир Темурнинг жасурлигига нафақат дўстлари, душманлари ҳам тамомила тан берган. Бундай одамларнинг энг таниқлиси — ибн Арабшоҳ. У ўн икки ёшлигида Шомдан — ҳозирги Сурия ва жаҳонгир лашкарлари томонидан олиб келинган. Самарқандда ўсиб-улғайган. Аммо аламзада. Бу ёзиб қолдирган асарларида яққол сезилиб туради. Мени Амир Темур одамлари юртимдан айирди, деган ўкинч, алам бўлган унда. Ўша Арабшоҳ жаҳонгир ҳақида, мана бу булоқдан Амир Темур сув ичди демайди, аблаҳ Темур сув ичди, дей ёзади. Лекин шундай аламзада одам ҳам Темурни мард, танти, ўлимдан қўрқмайдиган, олиму фузалони яхши кўрадиган, кечиримли, адолатнинг этагидан тутган одам эди, деб унга тан беради.

Шу кунларгача жаҳон сиёсатчилари ўртасида кимнинг қуроли кўп бўлса, ўша кучли деган, ақидага амал қилиб келинар эди. Бу қуролланиш пойгасини келтириб чиқарди, СССРдек улкан империянинг бошига етди. Лекин Темур ҳазратлари: йўқ, дейди, ким ҳақ бўлса, ўша кучли. Куч — адолатдадир. Бу алал оқибатда исботини топди ҳам. Куроли қанчалик кўп бўлмасин, Гитлер ҳам, Сталин ҳам ниятига етолмади. Инсониятнинг нафратига учради. Демак, улар ҳақ эмаскан.

Соҳибқирон айтадиларки, Ҳиндистондан Болқонгача осойишта бир салтанат туздим. Бир боланинг бошига марварид тўлдирилган лаганни қўйиб, йўлга чиқазиб юборсам, у Болқонга етгунича ўсиб-ўлгаяди, воя етади, лекин бошидаги марвариддан бирортаси ерга тўкилмайди. Ҳисоблаб кўрилса, бу — салкам 40 минг чақирим масофа. Соҳибқирон ана шундай бепоён салтанатда қаттиқ интизом, тартиб ўрнатган. Ўғрилик, қароқчилик ва ёлғоннинг пайини қирққан. Темур ҳазратлари қаердаки ўғрилик, қароқчилик бўлса, масъулиятини ўша ернинг ҳокимига юклайди. Ҳоким ўз арконлари билан ё ўша қонунбузарни топади, ёки йўқолган молни ўн баравар қилиб ўзининг ёнидан тўлайди. Соҳибқироннинг фармони шундай бўлган.

ЖАҲОНГИРНИНГ ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

— Гап яна мол-дунёга бориб тақалган экан, кўпчилик тилида юрган бир саволни сўрасам: Амир Темурнинг хазинаси ҳақидаги миш-мишлар ҳақида нима дея оласиз? Уни ҳозиргача излаётганлар бор экан.

— Назаримда, уларнинг уринишлари беҳуда. Шундай гап борки, жаҳонгирнинг ўғли Шоҳруҳ отаси қазо қилгач, хазинага киради ва уни бўм-бўш кўради. Аммо қуруқ чиқмайди. Битта танга топиб олади. Қараса, унга отасининг муҳри туширилган. Қуроғи кетади: «Оллоҳга шукр, отамнинг меросини топдим!» — дейди.

Бу ривоят ҳақиқатдан унчалик йироқ эмас...

— Унда, Амир Темур ҳазратларининг шунча мол-мулки, дунёси қаёққа кетган?

— Жавоби аён: ҳазрат топган мол-дунёсини эл-улуси манфаати ва маърифати йўлида сарфлаган. Шаҳар қурган. Юрт ободончилигини юқори кўтарган.

Соҳибқирондан бошқа мерос — улкан хазина — уйғонган, ўзлигини таниган, қаддини ростлаган эрксевар халқ, озод ва обод Ватан, Шоҳруҳ, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Комрон Мирзо каби оқил ўғлонлари қолди. Уларнинг ҳар бири бутун бир даврнинг фарзандлари бўла олди. Ҳозир ҳам бутун дунё уларни Амир Темурнинг авлоди, деб ихлос билан эсга олади.

Энг муҳими, соҳибқирон бобомиздан марказлашган улкан давлат, ҳаётбахш таъсири минг йилларга татигулик буюк маънавий ва маданий мерос қолди. Бу меросдан, мана, неча асрлар ўтганига қарамай, нафақат сизу биз, бутун дунё аҳли бахраманд бўлиб келмоқда, десак хато бўлмас...

Айтинг, Қулман ака, бу дунёда ўтган яна қайси пошшодан, қайси жаҳонгирдан шундай хазина қолган?...

— Бу гапларингизни эшитиб, уммоннинг соҳилида сувга зор бўлиб яшаган эканмиз-да, деб ўйланиб қоласан, киши.

— Ҳа. Бу — мустабид тузум даврида яшаб ўтган аждодларимизнинг буюк армони. У тузум биздан буюк ва мангу хазинамиз — Амир Темур ҳазратларидек улуғ боболаримизни, буюк тарихимизни яшириб келган. Аввал чоризм, сўнгра шўро мафкураси бизни қўрқув ва ғафлатда сақлади. Чунки авом халқни, оломонни бошқариш осонда...

— Ўзингиз ҳам бир замонлар: «Қачон халқ бўласан, эй сен оломон!» деб ҳайқирган эдингиз. Миллатни қачон халқ бўлди дейиш мумкин?

— Ўша замонлардаги ноаҳиллигимизни, бефарқлигимизни кўриб, эзилиб яшаш менга алам қилган ва шундай изтиробли сатрлар туғилган. Миллат халқ бўлиши учун, аввало, унинг боши бирикиши, қоласверса, ўз Ватанини, эркини, Амир Темурдек улуғларини, бозорию мозорини таниши, ҳимоя қила билиш керак. Оллоҳ мустақиллигимиз шарофати билан бизга шундай имкон берди. Бундай ҳайрли ишларнинг бошида юртбошимизнинг тургани янада қувончли.

Айни пайтда кечаги кунни — шўро замонида мустамлакачилар эртаю-кеч қулоғимизга қуйган гапларини ҳам унутмайлик: сен, ўзбеклар шу даражада нодон ва жоҳил эдинглар, сенларни биз одам қилдик.

Бу сиёсат биргина Темур ҳазратлари билан тўхтамаган. Ҳазратнинг севимли набираси, илмини жаҳон тан олган, асарларини ўқиб-ўрганган Улуғбекдек munажжимни коммунистик мавкура эътироф этмади. Совет даврида чоп этилган астрономияга оид китобларни варақлаб чиқинг. Улуғбек ҳақида бирор маълумот тополмайсиз. Ҳолбуки, голландиялик бир машҳур рассом юлдузлар маликасининг рассомини чизиб, унинг атрофига жаҳон тан олган буюк астрономларнинг суратини муҳрлаган. Коперник, Галлилейларнинг сафида, маликанинг ўнг томонида, Улуғбек бобомизнинг сиймоси туширилган.

Халқимизни хурофотда сақлаш режали равишда амалга оширилган: боболаримизнинг кимлигини яширишган, мозорларимизни вайрон қилишган, масжидларимизни бузишган. «Сенинг асли ўзи аждодларинг нодон бўлган. Шунинг учун индамайгина кетмонингни чопавер, пахтангни экавер, планингни бажаравер. Ҳарбийга борсанг ҳам, қурилиш батальонига тушасан. Лой қорийсан. Бошқа иш қўлингдан келмайди...»

«ДЕЙМАН, БУ КУН У МАНИМ, МАНИМ ...»

— Олтмишинчи йилларда яратилган «Ўзбекистон» шеърингизда Амир Темур ҳақида тўхталиб, «Демам, бу кун у маним, маним, Ўзбекистон — Ватаним маним», деган сатрлар битган эдингиз...

— Дарвоқе, шундай бўлган. Ватанимга аталган ўша қасидани «Совет Ўзбекистони» газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт қўйдики, Россия ҳақида ҳам ўн сатр ёзиб қўшасиз. Биз Россиясиз яшай олмаймиз, биласиз... Мен айтдим: Россия ҳақида устоз Ҳамид Олимжондан ўтказиб бирор гап айтишим қийин... Хулласи, газетада қасидамни чиқаролмадим. У, орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саъй-ҳаракатлари билан «Саодат» журналида чоп этилди. Шунда ҳам «жиндай» таҳрир билан — «дейман» сўзи «демам» деб ўзгартирилди.

Айни пайтда, бизга Амир Темур ҳазратларини бобомиз бўлади, деб фахрланиш ҳам таъқиқланган мустабидлик йилларида бутун дунё ул зотнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдан, ўрганиб ҳайратга тушишдан тўхтагани йўқ. Бу жараён соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан янада жонланди. Ул зотнинг юбилейи ЮНЕСКОдек мўътабар ташкилот шаъфелигида Парижда кенг нишонланди. Францияда Темур ва темурийлар даврига бағишланган бундай халқаро тадбирларда Президентимиз Ислом Каримов, Франция Президенти Жак Ширак, ЮНЕСКОнинг Бош директори Федереко Майор ва бошқа кўплаб давлат ҳамда жамоат арбобларининг иштирок этиши тантаналарга янада улуғворлик бағишлади.

Бобомизга бағишланган бундай тадбирлар Америка Қўшма штатлари, Германия, Буюк Британия, Туркия, Эрон, Покистон, Украина, Россия каби бошқа мамлакатларда ҳам бўлиб ўтди ва улар давом этмоқда.

— Жаҳон халқлари томонидан бобомизга кўрсатилаётган бундай иззат-ҳурматнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Боя айтганимдек, жаҳонгир бобомиз қадами етган жойни обод қилган — янги-янги шаҳарлар, илму-маърифат масканлари бунёд этган, адолат ўрнатган. Бобомизнинг мана шундай улкан тарихий хизматлари боис Европа кейинчалик улкан тараққиётга эришди. Ул зотни ўзининг халоскори, деб тан олди. Ҳатто, инсоният тарихида бўлмаган воқеа — ул музаффар жаҳонгирга олтиндан ҳайкал қўйиб, тагига «Европанинг халоскорига» деган битик ўйди.

Бундан ташқари, жаҳоннинг турли мамлакатларида бобомизга бағишланган минглаб badиий, ҳужжатли, илмий, мусиқий, тасвирий санъат асарлари яратилди. Ўйлайманки, Амир Темур ҳазратлари ҳали узоқ йиллар дунё ижодкорларига илҳом бераверадилар. Францияда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш билан шуғулланувчи уюшма фаолият кўрсатиб келмоқда. «Темурийлар» номи билан махсус альманах чоп этилади...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси жаҳон халқларининг, наинки Амир Темур бобомизга, айни чоғда халқимизга, она Ватанимиз — Ўзбекистонга бўлган ҳурмат-эътибори, деб биламан...

Шундай инсонлар бўладики, улар ҳали ҳаётлигидаёқ миллий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг ёрқин сиймоларидан бирига айланадилар. Амир Темур ҳазратлари инсоният тарихидаги ана шундай буюк зотлардандир. Бу менинг гапим эмас, машҳур француз олими Жан Роль Рунинг эътирофи.

Минг афсуслар бўлсинки, мустабид тузум шароитида жаҳонда кечган буюк бобомизга дахлдор бундай хайрли ишлардан бехабар, узилиб қолган эдик.

Шу ўринда мен бир ҳақиқатни айтай. Ёшим олтмишни қоралаб қолди. Бу дунёнинг пасту баландини, яхши-ёмонини кўрдим. Амир Темур ҳазратларидек улуғ зотни яна тарих саҳнасига, халқимизга қайтариш учун у кишининг ўзидек жасур одам керак эди. Ва шундай зотни худо берди бизга. Худойимга беадад шукрлар бўлсинки, Президентимиз Ислом Каримов бобомиз Амир Темурнинг юзига узоқ йиллардан буён тортиб қўйилган машъум қора пардани шартта олиб ташлади. Бобомиз пойтахтимизга от миниб кириб келдилар. Назаримда, бугун у киши мустақиллигимиздан бошлари осмонга етиб, бизни руҳан қўллаб турибди. Қилаётган ишларимизни кузатиб турибди. Юртимизда ул зот орзу қилгандек тинчлик-тотувлик, осойишталик, тартиб-интизом, барқарорлик ўрнатилганидан қувониб турибди.

Буларнинг барчаси Ватанимизнинг мустақиллиги, юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли эканлигини ҳеч қачон унутмайлик. Зеро, шу кеча кундузда юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар — қадриятларимизнинг тиклана бошлаши, боболаримиз васият қилгандек, буюк давлат қуришга киришганимиз, фақат бугуннинг ёки эртанинг гапи эмас, улар юз йилларга, минг йилларга татигуликдир. Чунки энди ҳеч ким биздан мустақиллигимизни, Амир Темур бобомизни, бой тарихимиз порлоқ келажагимизни тортиб ололмайди. Бунга энди халқимиз ҳеч қачон йўл қўймайди. Чунки биз соҳибқироннинг («Соҳибқирон» енгилмас дегани!) авлодларимиз. Бобомиз эса ҳеч қачон, ҳеч кимдан енгилмаган.

«Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим, — дейди Президентимиз. — Нега деганда Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан» Юртбошимизнинг шундай деб тургани — бизнинг бахтимиз. Худо бизни тарқоқликдан, «сену мен»га бориштан асрасин. Ахир Помиру Кавказ тоғларида бўлаётган жанжални кўриб-билиб турибмиз. Улардан ҳам ўз вақтида элининг бошини қовуштирса олардан доно раҳбар чиққанида, балки бундай фожиалар юз бермас эдими...

— Инсоф билан тан олиб айтганда, ўзимиз ҳам шундай жарнинг ёқасига бориб қолганимизни ўша вақтда билмаган эканмиз.

— Ҳа, баъзи бир махмаданалар чиқиб, раҳбар бўлсам, Ўзбекистонни ундоқ қилодурман, мундоқ қилодурман деб кўпнинг бошини қотирган кезлар ҳам бўлди. Аслида ўзига қўйиб берсангиз, эскича айтганда, колхознинг битта бригадасини ҳам эплаши қийин эди. Шукрки, юртбошимиз ўз вақтида бу хавфнинг олдини олди.

Амир Темур ўз Ватанининг шон-шавкатини дунёга танитганидан сўнг, орадан неча юз йиллар ўтди ва бу воқеа яна такрорланмоқда: шукрки, юртимиз озод бўлди, жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини олди. Ён-атрофимиздаги айрим давлатларда бўлаётган турфа хил можароларни кўриб, кишининг эти жунжикиб кетади... Аввало, бизда яхши муҳит яратилган. Бу, албатта, элнинг йўлбошчисига, йўлбошчи қандай йўриг тутганига боғлиқ. Президентимиз Амир Темур бобомиз йўлини — адолат, тинчлик ва осойишталик йўлини тутди. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», деди юртбошимиз. Айни пайтда Ўзбекистонимизни жаҳоннинг энг буюк давлатлари сафида кўрмоқ орзусида интилади. Булар Амир Темур тутган йўл, улуғлаган ғоялар эмасми?

Юртбошимиз айтганларидек, ҳар қандай чинорнинг кўркиқуввати унинг илдизларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимиз ер юзида неча пайдо бўлган давлат эмас. Биз-нинг илдизларимиз мустаҳкам. Ана шундай бақувват илдизларимиздан бири — Амир Темур бобомиздир.

Қулман ОЧИЛ
суҳбатлашди. (ЎзА)

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри